

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ БАХТИЁР КОДИРОВИЧ**

**ЎСМИРЛАРДА ВИТИЛИГО КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шукуров Бахтиёр Кодирович**

Ўсмирларда витилиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари,  
даволашни оптималлаштириш..... 3

**Шукуров Бахтиёр Кодирович**

Клинико-иммунологическая характеристика витилиго у подростков,  
оптимизация лечения ..... 23

**Shukurov Baxtiyor Kodirovich**

Clinical and immunological characteristics of vitiligo in adolescents, optimization  
of treatment..... 43

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works ..... 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ БАХТИЁР КОДИРОВИЧ**

**ЎСМИРЛАРДА ВИТИЛИГО КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-  
ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ДАВОЛАШНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib366Г рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Ачилова Донҳон Нутфиллоевна  
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Амонов Малик Мансурович  
тиббиёт фанлари доктори  
(Малайзия)

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «23» январь куни соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2024 йил «11» январь куни тарқатилди.  
(2024 йил «11» январь даги 04 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature]*

А.Ш.Иноятгов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature]*

Н.Н.Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

*[Handwritten signature]*

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Витилиго этиологияси номаълум бўлган орттирилган тери касаллигини ўзида намоён қилади, у меланоцитларни йўқотиш оқибатида тери қопламасининг алоҳида соҳаларида доғлар йўқолиши билан тавсифланади ва дунё аҳолисининг 0,5-1,0% ида учрайди. Витилиго организмга эндо- ва экзоген омилларнинг комплекс таъсири, хусусан нейроэндокрин, иммун бузилишлар, микро- ва макроэлементлар балансининг ўзгарувчанлиги, микроциркуляция интенсивлиги ўзгариши оқибатида ривожланади. Витилигода узок муддатли даволаш талаб этилади, унинг асосий мақсади касаллик авж олиши ва унинг клиник белгиларини тўхтатиш ҳисобланади. Касаллик патогенезининг кўп омилли концепцияси ва беморлар клиник-лаборатор текширилганида аниқланадиган бузилишлар витилигони даволашда кенг доирадаги чоратадбирлардан фойдаланиш зарурлигини тасдиқлайди. Бунда касалликнинг якуни кўп жиҳатдан индивидуал ёндашувни эътиборга олиб, даволаш усулининг монанд танланиши билан аниқланади.

Дунё миқёсида витилиго ривожланишида турли хил вируслар муҳим рол ўйнаши таъкидланган. Сўнгги йилларда илмий дунёда витилиго ривожланишида иммун бузилишлар ва оксидатив стресснинг ўрни фаол муҳокамага сабаб бўлмоқда. Бироқ, хорижда олиб борилаётган кўп сонли ишлар витилиго билан касалланган беморнинг иммун ва антиоксидант тизимларида содир бўлаётган ўзгаришларнинг барчасини қамраб олмайди. Шундан келиб чиқиб витилигодан азият чекувчи одам организмида содир бўладиган иммун, эркин радикал ва бошқа жараёнларнинг ҳали ўрганилмаган жиҳатларини акс этувчи янги тадқиқотлар талаб этилади. Бошқа ёш гуруҳлари каби ўсмирларда ҳам витилиго касаллиги клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда даволашни оптималлаштириш долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, юқори технологик клиник-иммунологик усуллардан фойдаланган ҳолда касалликларни даволашни яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишининг 56-мақсад, 4-қисмида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ...»<sup>1</sup> бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланиб, витилиго касалликларни халқаро стандартларга мослаштириш ва турли ёш гуруҳидаги бемор болаларда клиник-иммунологик даволашнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони.

юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда витилигонинг ирсий ўтишини кўрсатувчи ишончли маълумотлар йўқ. Кўп эҳтимол, баъзи шароит яратувчи омилларнинг (иммун, вегетатив) ирсий ўтиши ҳақида айтиш мумкин, лекин бу ҳали касалликнинг ўзи ўтишидан далолат бермайди (Таieb A. et al., 2017; Spritz R.A., 2018).

Витилиго ривожланиши механизмини тушунтиришга йўналтирилган кўплаб назариялар мавжуд ва уларнинг ҳар бири ҳам тарафдор, ҳам қарши ишончли илмий далилларга эга. Энг машхур ва асосли назариялар: нейроген (нейроэндокрин), аутоиммун (иммун), аутодеструкция (ўзини-ўзи бузувчи), биокимёвий бузилишлар назарияси (оксидатив стресс), генетик назариялардир (Даниелян Э.Е. ва ҳаммуал., 2017; Ргегюзо I., e1 a1., 2020).

Шунингдек, витилиго ривожланишида турли хил вируслар муҳим рол ўйнаши мумкинлиги тахмин қилинади. Сўнгги йилларда илмий дунёда витилиго ривожланишида иммун бузилишлар ва оксидатив стресснинг ўрни фаол муҳокамага сабаб бўлмоқда (Дворянкова Е.В. ва ҳаммуал., 2018; Прошутинская Д.В., 2019).

Ҳозирги кунга келиб витилигони даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган ва синалган (Герейханова Л.Г., Ломоносов К.М., 2017; Кривоконева А.И., 2018; Wolkerstorfer A., 2019), бунда истикболли йўналишлардан бири сифатида тромбоцит билан бойитилган плазма (ТБП) терапияси кўриб чиқилмоқда (Потапнев М.П. ва ҳаммуал., 2018; Толстов Д.А., Богдан В.Г., 2014; Штутин А.А. ва ҳаммуал., 2016; Yu W. et al., 2021). Тиббиётнинг турли

соҳаларида ҳар хил шикастланган ва жароҳат етган тўқималарда репарация жараёнларини қўзғатиш ва модуллаштириш мақсадида ўсиш омилларидан тобора кўп фойдаланилмода. ТБП олиш жараёнида яхлит аутоқоннинг концентрациясидан юқори бўлган тромбоцитлар концентрациясини ҳосил қилиш учун яхлит аутоқон центрифугаланади (Xie X. et al., 2014; Zhang M. et al., 2018; Sampson S. et al., 2020). Маълумки, тромбоцитларнинг алфа-гранулалари бир қатор медиаторлар – ўсиш омилларига эга, хусусан, инсулинсимон ўсиш омили-1, фибробластларнинг асосий ўсиш омили, тромбоцитар ўсиш омили, эпидермал ўсиш омили, томирли эндотелиал ўсиш омили ва трансформацияловчи ўсиш омили-β, улар яллиғланиш реакциясини заифлаштириш ҳамда некротизацияланган хужайралар элиминациясида муҳим ролни бажаради (Kadry M. et al., 2018; Mlynarek R.A. et al., 2016; Woodell-May J.E. et al., 2021).

Эълон қилинган ишлар материаллари ушбу усулнинг бир қатор тери касалликларини даволашда юқори салоҳиятини кўрсатган (Олисова О.Ю., Авагян Д.В., 2018; Parambath N. et al., 2019), аммо унинг витилигода қўлланилиши ҳақидаги хабарлар адабиётларда кам ва бир бирига қарама-қарши, бу мазкур ишнинг долзарблигига асос бўлган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсмирларда витилигонинг турли шакллари патогенезида клиник-иммунологик статусни эътиборга олиб, клиник-иммунологик хусусиятларни баҳолаш, комплекс даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

витилиго билан касалланган ўсмирларда турли даволаш усулларининг иммунологик кўрсаткичлари динамикасини аниқлаш ва баҳолаш;

тромбоцитларга бой аутоплазма ва озонотерапияни қўллаш орқали тавсия этилаётган комплекс даво натижасида иммун тизими ҳолати ҳамда беморлар шикастланган тери соҳаларида меланин даражасини аниқлаш;

ушбу беморларда ҳаёт сифатининг дерматологик индекси динамикасини баҳолаш асосида тавсия этилган даволаш усулининг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини аниқлаш;

витилиго билан касалланган ўсмирларда турли даволаш усулларининг клиник-иммунологик самарадорлиги ва тиббий хавфсизлигини ошириш орқали даволашни оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 125 нафар витилиго билан касалланган ўсмирлар ва 15 нафар соғлом ўсмирлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар қони, қон зардоби, беморларга оид тиббиёт ҳужжатлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун клиник дерматологик, иммунологик, биокимёвий, статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўсмирларда витилигонинг турли шаклларида тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллашнинг ижобий клиник ва иммунологик самарадорлиги ҳамда тиббий хавфсизлиги кўрсатиб берилган;

витилиго ташхисланган ўсмирларда иккиламчи иммун жавоб даражаси кўринишида IgG нинг 1,95 мартага, аллергик фон кўринишида IgE нинг 6,59 мартага, махсус бўлмаган резистентлик омиллари - комплементнинг C3 компоненти 1,54 ва прокальцитониннинг 4,86 мартага, яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар - IL-4 ва TNF- $\alpha$  нинг мос равишда 2,43 ва 11,47 мартага соғлом ўсмирларга нисбатан кўп учрагани исботланган, бу эса ушбу патологик ҳолатда иммун тизимида зўриқиш борлигини кўрсатган;

даво комплексига тромбоцитларга бой плазма ва озонотерапиянинг киритилиши IgG, IgE, комплементнинг C3 компоненти, прокальцитонин, IL-4 ва TNF- $\alpha$  каби иммун тизим асосий кўрсаткичларининг 1,28 - 6,06 мартагача ишонарли камайтирган, иммун тизимидаги бу ҳолат тавсия этилган даволаш усулининг иммунологик самараси борлигини кўрсатган, даволаш витилигонинг танадаги аниқланиш соҳаларидан қатъий назар бир хилда ижобий таъсир этган;

витилиго ташхисланган ўсмирларда танада аниқланиш соҳаларидан қатъий назар теридаги меланин миқдори тавсия этилган даводан сўнг 1,98 - 2,53 мартагача ишонарли даражада ошгани аниқланган, бу ушбу давонинг клиник самарадорлигини кўрсатган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсмирларда витилиго ташхисланганда иммун тизимида ўзгаришлар бўлиши исботланганлиги дерматологик амалиётда ушбу касаллик кечиши, унинг якуни ва даволаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида диагностик ҳамда прогностик лаборатор мезонлар сифатида тавсия этилган;

ўсмирларда витилигонинг турли шаклларида тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллашнинг ижобий клиник ва иммунологик самарадорлиги ҳамда тиббий хавфсизлиги кўрсатиб берилганлиги дерматологик амалиётда қўллаш учун тавсия этилган;

витилигони патогенетик асосланган, комплекс босқичма-босқич даволаш витилиго мавжуд беморларда касаллик кечувининг турғунлашуви ҳамда пигментациянинг қайта тикланишига олиб келиши аниқланган, шунинг баробарида комплекс даволашдан фойдаланишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

витилиго ташхисланган шу ёш категориясига мансуб беморлар танасида учраш соҳаларидан қатъий назар, теридаги меланин миқдори тавсия этилган

даводан сўнг ишонарли даражада ошгани унинг клиник самарадорлиги юқори эканлигини кўрсатган ва ушбу ппатологияни даволашни оптималлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник дерматологик, иммунологик, биокимёвий, статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги клиник материалдан фойдаланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан олинган маълумотлар бўйича қиёсланганда ишончлилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти илк бор ўсмирларда витилигонинг турли шаклларида тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллашнинг ижобий клиник ва иммунологик самарадорлиги, тиббий хавфсизлиги кўрсатиб берилганлиги, уларда IgG нинг 1,95 мартага, IgE нинг 6,59 мартага, комплементнинг C3 компоненти 1,54 ва прокальцитониннинг 4,86 мартага, IL-4 ва TNF- $\alpha$  нинг 2,43 ва 11,47 мартага соғлом ўсмирларга нисбатан кўп учрагани исботланганлиги, даво комплексига тромбоцитларга бой плазма, озонотерапиянинг киритилиши иммун тизим кўрсаткичларининг ишонарли равишда камайтирганлиги, иммун тизимидаги бу ҳолат даволаш усулининг иммунологик самараси борлигини кўрсатганлиги, танада аниқланиш соҳаларидан қатъий назар, теридаги меланин миқдори даводан сўнг ишонарли даражада ошгани аниқланганлиги, бу ушбу давонинг клиник самарадорлигини кўрсатганлиги билаан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўсмирларда витилиго ташҳисланганда иммун тизимида ўзгаришлар бўлиши исботланганлиги дерматологик амалиётда ушбу касаллик кечиши, унинг якуни ва даволаш самарадорлигини аниқлаш мақсадида диагностик ҳамда прогностик лаборатор мезонлар сифатида тавсия этилганлиги, тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллашнинг дерматологик амалиётда қўллаш учун тавсия этилганлиги, даволашнинг витилиго мавжуд беморларда касаллик кечуви турғунлашуви ҳамда пигментация қайта тикланишига олиб келиши ҳамда комплекс даволашнинг фойдаланишга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилганлиги, ушбу ппатологияни даволашни оптималлаштириш имконини берганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Илмий янгиликнинг моҳияти: ўсмирларда витилигонинг турли шаклларида тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллашнинг ижобий клиник ва иммунологик самарадорлиги ҳамда тиббий хавфсизлиги кўрсатиб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўсмирларда витилигонинг кечиши, патогенези, даволаш ва профилактикаси

турли шакллари бўлган ўсмир болаларда иммунологик ҳамда клиник-лаборатор текшириш усулларига асосан тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллаш натижасининг таъсири ҳақида янги маълумотлар олинганлиги аниқланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4342) ҳамда, Қоракул туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4383) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Олинган натижалар вителиго билан касалланган беморларда эрта ташхислаш ва даволашга имкон берган. Юқоридаги даволаш усуллари ушбу контингентдаги беморларда клиник-лаборатор ёрдамни ташкил қилиш ҳамда касалликларнинг асоратларини олдини олиш учун хизмат қилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун вителигони ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: вителиго кузатилган ўсмир ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланган.

Хулоса: янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўсмирларда вителиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари, даволашни оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига, Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2023 йил 8 сентябрдаги 01/04/4814 сонли хат юборилган. Илмий янгиликнинг моҳияти: вителиго ташхисланган ўсмирларда иккиламчи иммун жавоб даражаси кўринишида IgG нинг 1,95 мартага аллергик фан кўринишида IgE нинг 6,59 мартага, махсус бўлмаган резистентлик омиллари СЗС 1,54 ва прокальцитониннинг 4,86 мартага, яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар IL-4 ва TNF- $\alpha$  нинг мос равишда 2,43 ва 11,47 мартага соғлом ўсмирларга нисбатан кўп учрагани исботланган, бу эса ушбу патологик ҳолатда иммун тизимида зўриқиш борлигини кўрсатган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: вителиго ташхисланган ўсмирларни даволашда тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллаш усули уйғунликда қўлланганида вителигонинг турли шакллари комплекс иммунологик даволашнинг уникал схемаси ишлаб чиқилган ва шифокор тактикаси асосланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4342) ҳамда, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4383) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган натижалар вителиго билан касалланган беморларда эрта ташхислаш ва даволашга имкон берган. Юқоридаги даволаш усуллари ушбу контингентдаги беморларда клиник-лаборатор ёрдамни ташкил қилиш ҳамда касалликларнинг асоратларини олдини олиш учун хизмат қилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун вителигони ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: вителиго кузатилган ўсмир ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланган.

Хулоса: янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўсмирларда вителиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари, даволашни оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига, Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2023 йил 8 сентябрдаги 01/04/4814 сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: даво комплексига тромбоцитларга бой плазма ва озонотерапиянинг киритилиши IgG, IgE, СЗС, прокальцитонин, IL-4 ва TNF- $\alpha$  каби иммун тизим асосий кўрсаткичларининг 1,28-6,06 мартагача ишонарли камайтирилди, иммун тизимидаги бу ҳолат тавсия этилган даволаш усулининг иммунологик самараси борлигини кўрсатган, даволаш вителигонинг танадаги аниқланиш соҳаларидан қатъий назар бир хилда ижобий таъсир этган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: вителигонинг турли шакллари даволашнинг такомиллаштирилган комплекс усули даволаш сифати ва самарадорлигини ошириш, рецидивлар сонини камайтириш ҳамда узок муддатларда ижобий клиник-лаборатор ҳамда иммунологик натижалар олиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4342) ҳамда, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4383) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган натижалар менопауза давридаги витилиго билан касалланган беморларда эрта ташхислаш ва даволашга имкон берган. Юқоридаги даволаш усуллари ушбу контингентдаги беморларда клиник-лаборатор ёрдамни ташкил қилиш ҳамда касалликларнинг асоратларини олдини олиш учун хизмат қилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун витилигони ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича иқтисод бўлишига олиб келган: витилиго кузатилган ўсмир ёшли беморларда ташхислаш учун харажатлар миқдори 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланган. Хулоса: янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўсмирларда витилиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари, даволашни оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига, Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2023 йил 8 сентябрдаги 01/04/4814 сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: витилиго ташхисланган ўсмирларда танада аниқланиш соҳаларидан қатъий назар теридаги меланин миқдори тавсия этилган даводан сўнг 1,98-2,53 мартагача ишонарли даражада ошгани аниқланди, бу ушбу давонинг клиник самарадорлигини кўрсатди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: витилиго ташхисланган ўсмирларни даволашда тромбоцитлар билан бойитилган плазма ва озонотерапияни қўллаш усулини уйғунликда қўллаб умумий амалиёт шифокорлари ва амбулатор дерматовенеролог-иммунолог қабули шароитида витилигонинг турли шакллари даволаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4342) ҳамда, Қоракўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий поликлиникаси бўйича буйруқ (22.08.2023 й.; №01/04/4383) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган натижалар витилиго билан касалланган беморларда эрта ташхислаш ва даволашга имкон берган. Юқоридаги даволаш усуллари ушбу контингентдаги беморларда клиник-лаборатор ёрдамни ташкил қилиш ҳамда касалликларнинг асоратларини олдини олиш учун хизмат қилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун витилигони ташхислаш ва даволаш, ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш амалиёти даволаш харажатларининг қуйидагича

иктисод бўлишига олиб келган: витилиго кузатилган ўсмир ёшли 1 нафар беморларни ташхислаш учун харажатлар миқдори 40 000 сўм; бир кунлик даволаш харажати 110 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даво муддати 5 кунга қисқариши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағлари ҳисобига иқтисод қилинган. Хулоса: янги ташхислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига маблағларни 550 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ўсмирларда витилиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари, даволашни оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига, Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар проректори томонидан 2023 йил 8 сентябрдаги 01/04/4814 сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсмирларда витилиго касаллигининг клиник-иммунологик хусусиятлари, даволашни яхшилашнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўсмирларда витилигонинг эпидемиологияси ва ижтимоий аҳамияти, иммунологик жиҳатлари, патогенезида цитокинларнинг ўрни, таснифи, клиникаси ва диагностикаси, ўсмирларда витилигони даволашга қаратилган замонавий ёндашувлар, витилигода озонотерапиянинг даволовчи таъсир механизми асослари, витилиго билан оғриган ўсмир ёшидаги тромбоцитлар билан бойитилган плазмани клиникада қўллаш тажрибаси хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг «Ўсмирларда вителиго касаллигининг клиник-иммунологик тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган дерматология венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИД ва КИАТМ) Бухоро худудий филиали марказий поликлиникаси, Бухоро вилояти шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда бўлган, вителиго билан оғриган 12-15 ёш оралиғидаги 125 нафар ўсмирлар тадқиқотга жалб қилинган. Қўйилган вазифаларга мувофиқ 55 нафар соғлом ўсмирлар маълумотлари беморлар билан қиёсий ўрганилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Тадқиқот давомидаги ўсмирларнинг текширилган ёш даражалари**

Беморлар ёши	Кузатув		Назорат	
	Мутлоқ сон	%	Мутлоқ сон	%
12 ёш	28	22,4±3,7	14	25,5±5,9
13 ёш	30	24,0±3,8	12	21,8±5,6
14 ёш	32	25,6±3,9	14	25,5±5,9
15 ёш	35	28,0±4,0	15	27,2±6,0
Жами	125	100	55	100


Текширилган бемор болаларда умумий қабул қилинган клиник-иммунологик ва клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот давомидаги кузатув гуруҳидаги вителиго билан оғриган беморлар даволаш усулига қараб 3 гуруҳга ажратилган (1-расм):

А-гуруҳ - даволанишида касаллик терапиясига стандарт ёндашувлардан фойдаланилган, шу билан бирга тромбоцитлар билан бойитилган плазма (ТБП), 40 нафар бемор;

Б-гуруҳ - даволанишида касаллик терапиясига стандарт ёндашувлардан фойдаланилган, шу билан бирга даволанишида озонотерапияни қўлланган 40 нафар бемор;

В-гуруҳ - даволанишида касаллик терапиясига стандарт ёндашувлардан фойдаланилган, ТБП инъекцияси, шунингдек озонотерапиядан фойдаланиб комплекс терапия олиб борилган 45 нафар бемор.



**1-расм. Кузатув остидаги беморларнинг даволаш усулига қараб бўлиниши**

лаборатория тадқиқотларини таққослаш учун 15 нафар соғлом донорларнинг маълумотларидан (назорат гуруҳи) фойдаланилган.

Лаборатория тадқиқотлари Бухоро шаҳрида жойлашган “СARMEN PLUS” тиббиёт маркази лаборатория бўлимида қуйидаги усуллар ёрдамида ўтказилган: лаборатор тадқиқотлар - кон умумий таҳлили, кон биокимёвий таҳлили ўтказилган; иммунологик тадқиқотлар - томирлар эндотелийси ўсиш омили ва цитокинлар - IL-1, IL-6, IL-8, IL-10, TNF- $\alpha$  ўрганилган.

Шунингдек, шикастланган соҳаларда меланин миқдори аниқланган.

Олинган натижаларни статистик ишлаш учун ўртача катталикларни таққослашда Стюдент коэффициентидан фойдаланилган. Дастлабки маълумотларнинг тўпланиши, созланиши, тизимлаштирилиши ва олинган натижаларнинг визуализацияси Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM дастуридан фойдаланиб ўтказилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотларга жалб қилинган витилиго ташҳисланган ўсмир беморлар клиник тавсифи» деб номланган учинчи бобида витилиго мавжуд ўсмир болаларда олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган, ўртача ёш 14 ёшни ташкил этган.

Витилиго билан оғриган беморларни даволаш усулига қараб 2-жадвалда ўсмирларнинг жинси бўйича тақсимланиши келтирилган.

## 2-жадвал

### Даволаш режасига қараб беморларни жинс муносабати бўйича тақсимланиши

Кузатув гуруҳлари	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	Мутлоқ сон	%	Мутлоқ сон	%
А гуруҳ, n=40	13	10,4 $\pm$ 2,73	27	21,6 $\pm$ 3,68
Б гуруҳ, n=40	14	11,2 $\pm$ 2,82	26	20,8 $\pm$ 3,63
В гуруҳ, n=45	16	12,8 $\pm$ 2,99	29	23,2 $\pm$ 3,78
Жами	43	34,4 $\pm$ 4,25	82	65,6 $\pm$ 4,25

Тадқиқотда А гуруҳда эркак жинсли беморлар улуши 10,4 $\pm$ 2,73% ни (13 нафар ўғил бола), Б гуруҳда 11,2 $\pm$ 2,82 % ни (14 нафар ўғил бола), В гуруҳда 12,8 $\pm$ 2,99% ни (16 нафар ўғил бола) ташкил этган. Тадқиқот гуруҳларида қизлар сони кўп бўлган: А гуруҳда 27 (21,6 $\pm$ 3,68%) ва Б гуруҳда 26 нафар (20,8 $\pm$ 3,63%), В гуруҳда 29 нафар (23,2 $\pm$ 3,78%) қизлар. Жинслар бўйича гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланган (P<0,05). Бу фарқ қиз болалар фойдасига 1,91 мартани ташкил этган - 65,6 $\pm$ 4,25% га қарши 34,4 $\pm$ 4,25% (P<0,001). Бу ҳолат ушбу касаллик бўйича умумий тенденцияни акс эттириб, бошқа муаллифлар ишларидан фарқ қилмаган.

Тадқиқот гуруҳларида ёш бўйича тақсимланиш шунингдек, аҳамиятли фарқ қилмаган. Тадқиқот давомида беморлардаги+ витилигонинг шакли бўйича ҳам гуруҳларга ажратилган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларида вителигонинг шакли бўйича тақсимланиши**

Шакли	А гуруҳ, n=40		Б гуруҳ, n=40		В гуруҳ, n=45	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
Сегментар	16	12,8±2,99	12	9,6±2,63	19	15,2±3,21
Носегментар	11	8,8±2,53	11	8,8±2,53	13	10,4±2,73
Вулгар	9	7,2±2,31	10	8,0±2,43	7	5,6±2,06
Агрофациал	4	3,2±1,57	7	5,6±2,06	6	4,8±1,91

Эслатма: nisбий сонлар умумий беморлар сонидан (n=125) келиб чиқиб, ҳисобланган.

Касалликнинг касалликнинг сегментар шакли А гуруҳда - 16 нафар (12,8±2,99%) беморда, Б гуруҳда - 12 нафар (9,6±2,63%) беморда, В гуруҳда - 19 (15,2±3,21%) ҳолатда аниқланганлиги кўрсатилган.

Касалликнинг носегментар ёки фокал шакли А гуруҳда 11 нафар беморда (8,8±2,53%), Б гуруҳда 11 нафар беморда (8,8±2,53%) ҳолатда, В гуруҳда- 13 нафар беморда (10,4±2,73%) кузатилган.

Вителигонинг вулгар шакли А гуруҳда - 9 нафар беморда (7,2±2,31%) ҳолатда, Б гуруҳда - 10 нафар беморда (8,0±2,43%), В гуруҳда - 7 нафар беморда (5,6±2,06%) аниқланган.

Вителигонинг акрофациал шакли дастлабки А гуруҳда 4 ҳолатда аниқланган (3,2±1,57%) ва Б гуруҳда 7 нафар беморда (5,6±2,06%), В гуруҳга мансуб беморлар 6 нафарни (4,8±1,91%) ташкил этган.

Тадқиқот давомида вителиго энг кўп жойлашган соҳа сифатида тана эканлиги қайд этилди - ҳар бир гуруҳда беморларнинг учдан бир қисми – 12,8 - 15,2% ҳолатларда аниқланган (4-жадвал).

Бош ва бўйин А гуруҳда 9 нафар (7,2±2,31%) беморда, Б гуруҳда 7 нафар (5,06±2,06%) беморда, В гуруҳда 12 нафар беморда (9,6±2,63%) ҳолатда зарарланган. Жараённинг тана қисмида вителигонинг учраганлиги А гуруҳда 16 нафар (12,8±2,99%) беморда, Б гуруҳда 18 нафар (14,4±3,14%) беморда ва В гуруҳда 19 нафар беморда (15,2±3,21%) ҳолда зарарланган.

**4-жадвал**

**Тадқиқот гуруҳларида вителигонинг соҳаларда тарқалганлик бўйича тақсимланиши**

	А гуруҳ n=40		Б гуруҳ n=40		В гуруҳ n=45	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Бош ва бўйин	9	7,2 ±2,31	7	5,06 ±2,06	12	9,6 ±2,61
Тана	16	12,8 ±2,99	18	14,4 ±3,14	19	15,2 ±3,21
Кўл ва оёқ	15	12,0 ±2,91	15	12,0 ±2,91	14	11,2 ±2,82

Эслатма: nisбий сонлар (%) умумий беморлар сонидан (n=125) келиб чиқиб, ҳисобланган.

Тадқиқотда кўл ва оёқ соҳалари мос равишда А гуруҳда 15 нафар (12,0±2,91%) беморда, Б гуруҳда 15 нафар (12,0±2,91%) беморда, В гуруҳда 14 нафар беморда (11,2±2,82%) ҳолатда зарарланган.

Келтирилган 5-жадвалда тадқиқотга киритилган беморларда қўшимча касалликлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

**5-жадвал**

**Тадқиқотдаги беморларда ёндош касалликлар мавжудлиги**

Касалликлар гуруҳлари	А гуруҳ, n=40		Б гуруҳ, n=40		В гуруҳ, n=45	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
Аллергик касалликлар	11	8,8±2,53	9	7,2±2,31	14	11,2±2,82
Нафас олиш тизими касалликлари	3	2,4±1,37	2	1,6±1,12	5	4,0±1,75
Неврологик касалликлар	5	4,0±1,75	4	3,2±1,57	7	5,06±2,06
Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари	2	1,6±1,12	5	4,0±1,75	4	3,2±1,57
Буйрак касалликлари	1	0,8±0,79	3	2,4±1,37	1	0,8±0,79
ЛОР аъзолар касалликлари	6	4,8±1,91	4	3,2±1,57	9	7,2±2,31

Тадқиқот давомида витилиго билан оғриган барча ўсмирларнинг она ва отаси, баъзи қариндошларидан сўраб-суриштириш ва текшириш орқали уларда ушбу касалликлар борлиги ўрганилган (2-расм). Номалум этиологияли касалликлар сирасига кирганлиги учун витилиго 48 нафар бемор болада (38,4±4,35%), шу жумладан, уларнинг ота-онаси ва опа-сингилларда А гуруҳда 8 нафар беморда (20,0±3,58%), Б гуруҳда 11 нафар беморда (27,5±3,99%) ва В гуруҳда 10 нафар беморда (22,2±3,72%) аниқланган.



**2-расм. Тадқиқот гуруҳларида витилиго мавжуд беморларда яқин қариндошлик алоқалари таснифи**

Витилиго билан оғриган бемор болалардаги касалликнинг патогенезига экологик вазиятнинг таъсирининг қонуниятларини аниқлаш учун периферик

қоннинг клиник ва биокимёвий тадқиқотлари кўрсаткичларини таҳлил қилишни ўз ичига олган кенг қамровли лаборатория текшируви ўтказилган.

Тадқиқот давомида гемограмма ва биокимёвий қон текширувида ишонарли ўзгаришлар борлиги аниқланган, бу гематологик кўрсаткичларда лейкоцит ва лимфоцитлар миқдорларида кузатилган бўлса, биокимёвий кўрсаткичлардан АСЛО ва микроэлементларда ишонарли даражадаги тафовут кузатилган. Аммо, бу ўзгаришлар патогенетик аҳамиятга эга бўлмай, касаллик кечишига амалий жиҳатдан таъсир ўтказмаган.

Дерматологик индекс бу дерматологик ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган индекс ҳисобланиб, биз тадқиқотимиз давомида ушбу индексдан вителиго билан оғриган бемор болаларда кўриб чиқдик.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида шикастланиш ўчоқларида дерматологик индекс даражасини баҳолаш натижаларининг таҳлили ўтказилди.

Вителиго мавжуд беморларда юз ва бўйин қисмидаги шикастланиш ўчоқларида дерматологик индекснинг ўртача даражаси

А гуруҳ,  $n=40$   $105\pm 4$  Бирлик,

Б гуруҳ,  $n=40$   $103\pm 9$  Бирлик,

В гуруҳ,  $n=45$  беморларида  $106\pm 8$  бирликни ташкил этганлиги белгиланди.

Текшириш давомида ушбу кўрсаткичнинг қийматлари тадқиқот гуруҳларида солиштирама бўлиб ( $p>0,05$ ), мос келувчи тери ўзгармаган соҳаларда дерматологик индекснинг ўртача даражасига нисбатан жуда паст бўлди, ушбу кўрсаткичнинг қиймати соғлом соҳаларда  $234\pm 10$  Бирликни ташкил этди.

Бунда А- ва Б- гуруҳ беморларида пигмент таркибининг қиймати сезиларли фарқ қилмасдан,  $208\pm 12$  ва  $217\pm 14$  бирликка тенг бўлди. В гуруҳда дерматологик индекснинг даражаси  $248\pm 12$  бирликкача ўсиб, кўрсаткичнинг қиймати А ва Б гуруҳларда мос келувчи даражалардан ишончли юқори бўлди ( $p<0,05$ ) ва назорат гуруҳидан фарқ қилмади.

Кўкрак ва қорин соҳаларида жойлашган вителиго билан шикастланган ўчоқларда пигмент таркибини баҳолаш натижаларининг таҳлилида терида дерматологик индекс даражасининг шунга ўхшаш динамикаси аниқланди. Шу тариқа, кўкрак ва қоринда ўзгармаган терида дерматологик индекснинг ўртача даражаси  $226\pm 8$  Бирликни ташкил этди, бу вақтда вителиго билан шикастланган соҳаларда дерматологик индекснинг ўртача даражаси А, Б ва В гуруҳларда аҳамиятли кам бўлиб, мос равишда  $95\pm 7$ ,  $92\pm 5$  ва  $94\pm 7$  Бирликни ташкил этди. Тадқиқот гуруҳлари терапия бошланишидан олдин мазкур кўрсаткичнинг ўртача қийматлари бўйича солиштирма даражада бўлди.

Диссертациянинг «**Вителиго ташхисланган ўсмирлар иммун тизими кўрсаткичлари таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган даволаш таъсирида вителиго касаллигининг ўзгариш динамикаси клиник-иммунологик кўрсаткичлари қиёсий таҳлили келтирилган.

Тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш осон бўлиши учун дастлабки босқичда вителиго умумий кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан

солиштирган ҳолда келтирилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, барча ўрганилган беморлар иммуноглобулинларнинг қон зардобидаги концентрациялари кузатув гуруҳларида ва назорат гуруҳига нисбатан ишонарли даражада юқори бўлгани аниқланган (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Тадқиқотдаги беморлар қон зардобидаги иммуноглобулинлар концентрацияси кўрсаткичлари

Гуруҳлар	IgA, г/л	IgM, г/л	IgG, г/л	IgE, г/л
Назорат гуруҳи, n=55	1,22±0,07	1,02±0,07	8,01±0,21	24,46±1,05
Асосий гуруҳ, n=125	1,68±0,09*	1,97±0,08*	17,60±0,23*	159,82±7,41*

Эслатма: \* - назорат гуруҳига нисбатан ишонарли ўзгаришлар белгиси;

